



МАДАНИЯТ

№24 (159) 17.06.2021 йил

Ташаббус — 2021*

Энг яхши тадбиркорлар учун Президент совринлари

“Тадбиркор — элга мадакдор” деганлари айни ҳақиқат! Лекин тадбиркорнинг ўзига ҳам мадад, яъни рағбат кераклигини ҳеч ким инкор этолмайди. Кувонарлиси, бундай хайрли амалларнинг бошида юртбошимиз, Президент Шавкат Мирзиёев турибди.



15 июнь куни “Ешлар ижод саройи”да Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2021” кўрик-танловининг республика бошқичи иштирокчиларини тақдирлаш маросими кўтаринки руҳда ўтди. Дарҳақиқат, уларга кўрсатилган эътибор ва рағбат келгусида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлди дейиш мумкин. Келинг, яхши таасуротларимизни бир бошдан ўртоқлашайлик...

Дастлаб ижод саройи ҳовлисига тизиб кўйилган “Президент соврини” ёзувли оппоқ “Нексия” автомобилларига кўзингиз тушар экан, қалбингизни завқшавқ қамраб олади: ахир улар сизу бизнинг фаровонлигимиз учун хизмат қилишга бел боғлаган энг яхши тадбиркорларга аталган...

Ичкарида эса янада ҳаяжонли лаҳзаларга гувоҳ бўласиз: тадбиркорлар, қўли гул уста хунармандлар яратган санъат даражасидаги маҳсулотлар кўргазмаси

сизни бир зум шошириб қўяди. Ўнг томонда мўйноқликлар ясаган ўтов, чап томонда хоразмлик қўли гул уста Одамбой Машариповнинг тахтиравонни эслатадиган ёғоч ўймакорлиги ноёб намунаси тахта каравотлари, миллий услубдаги замонавий курсилару ёғочдан мохирона ишланган бошқа анжомлар. Тўғрида эса пойтахт вилоятининг Янги йўл шаҳрида фаолият олиб бораётган хунарманд Бекзод Мадраимовнинг кўхна дарахт илдииздан тайёрлаган машҳур ойнали столи...

Давоми 4-саҳифада >>

Ушбу сонда

“Муаллими Соний”дан муסיқий мерос

3-саҳифада >>

Мақом кечалари

4-саҳифада >>

Шайхлар шайхи ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

5-саҳифада >>



Ёзув — мозийни ёритувчи машъал

6-саҳифада >>



Дўстлик алоқалари



Тожикистон телеканалларида янги ўзбек фильмлари намойиш этилди

Президентимизнинг Душанбега сафари давомида Тожикистон телеканалларида янги ўзбек фильмлари намойиш этилди.

Маълумки, Тожикистонда бўлиб ўтган ўзбек киноси кунларида Ўзбекистон Кинематография агентлиги раҳбарияти, таниқли ўзбек киноси арбоблари, кинорежиссёрлар, актёрлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қўшни мамлакатга ташриф буюриб, хар икки мамлакатнинг кино соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари хусусида келишувларга эришилган ва агентлик бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов ҳамда

“Тожиқфильм” давлат муассасаси раиси Маҳмасайд Шохйён иштирокида икки томонлама ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган эди.

Бугунги кунда режиссёр Жаҳонгир Аҳмедовнинг “Илҳақ” бадиий фильми, Фурқат Усмоновнинг “Халқ юраги”, Жавоҳир Қосимовнинг “Абдурахмон Жомий”, Жасур Исҳоқовнинг “Ягона осмон остида” ҳужжатли фильмлари тожик тилига таржима қилиниб, дубляж ишлари якунланди.

“Тожиқфильм” давлат муассасаси бош директори Маҳмасайд Шохйён тўхфа

қилинган ушбу фильмлар икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга ва маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилишини билдирди:

“Тожикистонда бўлиб ўтган ўзбек киноси кунлари”да Ўзбекистон Кинематография агентлиги раҳбари Ф.Абдуҳолиқов билан кино санъатининг икки мамлакат маданий ҳаётида тутган ўрни, ўзбек ва тожик кинематографиясини ривожлантириш бўйича кўзда тутилётган лойиҳалар хусусида келишиб олдик. Тадбирларда Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъди-

ев, Теша Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тохир Саидов ва бошқа истеъдодли киноижодкорларнинг борлиги тожикистонлик ўзбек киноси мухлисларини жуда қувонтирди. Бизга тўхфа сифатида юборилган ўзбек халқининг юксак савиядаги фильмларини кинотеатрларимиз ва телевидениеларимиз орқали албатта намойиш этамиз. Ишонманки, ушбу фильмлар икки халқ ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади”.

Давоми 2-саҳифада >>

Донопар сузлайди... >>

Дунёда ҳеч қандай далил қолмаган тақдирда ҳам, бир микробнинг ҳаёти Аллоҳни англаш ва англатиш учун етарлидир.
ПАСТЕРНАК

Дунё ясанган, безанган чиройли бир келинчақ кабидир! У барчага кулиб боқадди, аммо ҳеч кимга тегмайди.
Нишонга урилган сўз

Чўғ пуфлаб аланга олдирилмаса, устини кул босиб сунеди. Пичоқни қайраб турмасангиз, ўтмаслашади, кесмайди. Рақобат иуқ жойда инкироз пайдо бўлади...
Ғайбуллоҳ ас-Салом

» Такдимот

Умрбоқий мерос

Жорий йилнинг 4 июнь куни Урганч шаҳридаги "Дўстлик ва ННТлар уйи"да "Умрбоқий мерос" Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот марказининг Хоразм вилояти бўлими тақдимот маросимига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимлари раҳбарлари, Хоразм вилоятидаги давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, олимлар, санъаткорлар, хунармандлар, ОАВ ходимлари ва бошқалар иштирок эттишди.

Тадбирни "Умрбоқий мерос" тарғибот марказининг вилоят бўлими раҳбари Марям Аминова очиб берди. Марказ директори Лутфия Мирзаева эса иштирокчиларни марказнинг мақсад ва вазифалари ҳамда келгуси режалар билан таништирди.

Маросимда сўз олган Халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳузурдаги Жамоат Фонди директори Аҳдам Исмоилов, Мъямун академияси раиси ўринбосари, илмий ходим Эргаш Салаев, Корейс миллий маданият маркази директори Антонина

Ким, Урганч давлат университети декани Алишер Раҳимов, вилоят Экопартия раиси ўринбосари Бахтиёр Қаландаров, меҳнат фахрийси Нодир Отажонов ва бошқалар янги марказ бўлимининг ташкил этилиши жуда қувонарли ва айни дамда муҳимлиги тўғрисида гапиришиб, ташкилот билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирдилар.

Тақдимот кечасига тақлиф этилган Хива шаҳар маданият бўлими санъаткорлари ва халқалари ўзларининг кўшиклари билан меҳмонларга хуш кайфият улашдилар.

» Давами. Боши 1-сахифада

Тожикистон телеканалларида янги ўзбек фильмлари намойиш этилди

Айтиб ўтиш жоизки, Марказий Осиё минтақасида кинематография тараққиғи этишида ўзбек ва тожик халқларининг етук маърифатпарвар вакиллари катта ҳисса қўшишган. Эътиборли жиҳати, ўзбек ва тожик кинематографияси ривожини бир-бирдан айро ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Миллий киномиз даргалари ҳар жиҳатдан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Ўзбек киносининг атоқли устозларидан бири Комил Ерматов Тожикистонда, Конибодомда туғилиб ўсган бўлса, тожик киносининг Борис Кимёгаров, Анвар Тўраев, Самариддин Саъдиев сингари машҳур арбоблари Самарқандда таваллуд топишган. Ҳар икки юрт кинематографияси ривожига самолқи ҳисса қўшган Латиф Файзилов, Тохир Собиров, Рашид Маликов, Бақо Содиков сингари таниқли кинорежиссёрлар хизматини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Тожикистон киноусталари томонидан яратилган "Ҳасан аравакаш", "Рустам ва Сухроб", "Сиевуш ҳақида қисса", "Темирчи Кова", "Мен бир қизни учратдим" сингари бадиий фильмлар ўзбек томошабинлари қалбидан чуқур жой олган. "Шахризондан янги эртақлари", "Шахризондан сўнгги кечаси" фильмларида Улуғбек Музаффаров, Убайдулла Омон, Дилором Қамбарова сингари ўзбек санъаткорларини кўришимиз мумкин. "Тожиқфильм"да Рашид Маликов суратга олган "Ғаройиб саргузашт" фильмида ўзбек киносининг таниқли вакиллари Хусан Шарипов, Баҳром Матчинов бош ролларни ижро этишган.

Ўз навбатида, ўзбек фильмларида тожик актёрлари ҳам ёрқин образларни яратиб қолдиришган. Жумладан, Тожикистон халқ артистлари – Сайрам Исаева Майсара, Нодирабегим сингари образлари билан ўзбек киномуҳлисларини мафтун қилган бўлса, Ато Муҳаммаджонов Имом ал-Бухорий сиймосини тўлақонли гавдалантира олган.


"Биз Тожикистонда ўтказилган тадбирлар давомида Ҳисор шаҳрининг диққатга сазовор масканлари, тарихий бидалари билан ҳам танишдик. Хусусан, бир пайтлар Бобур Мирзонинг ҳам қадами теккан кўҳна Ҳисор қалъасига сеъҳат киноижодкорларга манзур бўлди. Фильмларни ҳамкорликда суратга олиш учун бир қанча локацияларни кўриб чиқдик. Тожик фильмлари ва киноижодкорлари бизга бегона эмас. Хусусан, "Тожиқфильм" давлат муассасаси томонидан суратга олинган "Сув боласи" ("Бацаи обий") фильмини ҳам тадбирлар давомида томоша қилдик. Олис тожик кишлоқлари аҳолисининг турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильмда бош роллардан бирини Ўзбекистон Халқ артисти Убайдулла Омон ижро этган. Айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустақамлашиб бораётгани, бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг расмий доирасида учрашувлари, икки томонлама имзоланган ҳужжатлар муҳим ўрин тутмоқда" – дейди Ўзбекистон Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдуқолиқов.

Барно УНГБОВА,


Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги масъул ходими

» Улуғвор мақсадлар сари

Ёшлари- мизнинг китобга бўлган муҳаббатини, уларнинг маънавий иммунитетини ошириш асосий вазифамиздир.



Ш.Мирзиёев



Кўзи оғизлар кутубхоналари тараққиёт йўлида

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ўз кўламини, янги гоя ва ташаббуслар ҳамда таҳлилларга бойлиги билан барча юртдошларимиз қалбидан чуқур жой эгаллади. Хусусан, шарқ доғишмандларининг: "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" деган ҳикматларидан келиб чиққан ҳолда билдирган фикрлари ҳамда 2021 йилга «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили» деб ном берилиши ёшларни ва саломатлиқни ўзгача эъзозлайдиган халқимиз учун айни муддао бўлди.

Ҳозирги кунда кўзи оғизлар кутубхоналари ногиронлиги бўлган шахсларнинг ахборотга талабларини ўз вақтида тўлақонли қондириш, уларнинг ахборот олишини таъминлайдиган маданий-маърифий муассасаси сифатида намоён бўлади. Миллий маданиятни чуқур англаш, унинг ривожини ва эволюциясини таҳлил қилишда республикадаги махсус фондга эга кўзи оғизлар кутубхоналари алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб, кўриш бўйича ногиронлиги мавжуд шахсларнинг замонага мослашуви, уларнинг эркин ахборот олиш имконини ҳамда тармоқ кўзи оғизлар кутубхоналари илмий ва ахборот салоҳиятини ошириш, шунингдек, соҳада давлат-хусусий шерикчилигини, мамлакатдаги хусусий ва рақамли (виртуал) тармоқни ривожлантириш зарурати юзага келмоқда.

Кўзи оғизлар ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар гуруҳи (имконияти чекланган инсонлар, ногиронлиги бўлган шахслар, кўп болали оилалар ва бошқалар) кўзи оғизлар кутубхоналарининг алоҳида эътиборини талаб этади. Мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон ҳамжамиятига кириши, Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборининг ортиси кўзи оғизлар кутубхоналари зиммасига мамлакатда бўлаётган ислохотларга қўмаклашиш, ногиронлиги мавжуд аҳоли қатламига тезкор ахборот тақдим этиш бўйича қатор мажбуриятларни юклайди.

Янги технологияларнинг татбиқ этилиши, кўзи оғизлар кутубхоналари томонидан ахборот тарқатиш функцияларининг амалга оширилиши ҳамда ахборот олиш имкониятини таъминлаш автоматлаштириш ва компьютерлаштириш кўламини суриятарғиларга боғлиқдир.

Кўзи оғизлар кутубхоналари ислохот қилиш кўзи оғизлар кутубхоналари меъёрий-ҳуқуқий базасининг заифлиги, ахборот-кутубхона фондларининг жамланishi ва техник жиҳозлашни етарли даражасида эмаслиги, соҳага ходимларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасининг пастлиги туфайли юзага келди.

Кўзи оғизлар кутубхоналари фондининг асосий қисмини Брайль шрифтида чоп этилган бўртма нүқтали адабиётлар ҳамда турли воситаларда сақланувчи аудиокитоблар ташкил қилади.

Кўз бўйича ногиронлиги бўлган инсон учун китоб – ташқи оламга чиқиш учун асосий йўлдир, кутубхона эса – адабиёт олами билан боғловчи бўғин ва маълумот олишининг энг муҳим нуқтасидир. Кўзи оғизлар кутубхоналар, авваламбор, улар ўзини қулай ҳис қилиши мумкин бўлган маскан саналиб, бу ерда китобхон ўзининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради, севган адабиётини мутолаа қилади ва жамиятда ҳамма билан ҳамнафас яшаётганини ҳис этади.

Кўзи оғизлар кутубхоналари хизматидан кўзи оғизлар ва заиф кўрувчилар, уларнинг оила аъзолари, махсус мактаб ўқувчилари, талабалар, турли соҳа мутахассислари, олимлар ва жамоат арбоблари, ижтимоий реабилитация муаммолари билан шугулланувчи мутахассис ходимлар фойдаланувчилари. Замонавий технологияларни жорий этиш орқали китобхоналарга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатилади. Ногиронлар учун махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда турли тадбирларни ташкил этиш, шубҳасиз, кутубхона мақомини оширади, фуқаролар орасида қулай муҳит тушунчасини оммалаштиради.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори бу қутул йўлда муҳим дастуриямал бўлиб, кутубхонашунослик ва китобатчилик соҳасидаги янги даврни бошлаб берди десак, муболага қилмаймиз.

2018 йил 18 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Унда махсус кўзи оғизлар кутубхоналари фаолиятини ривожлантириш, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, кўзи оғиз китобхоналар гуруҳларининг

ахборотга бўлган талабини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш борасида бир қанча вазифалар белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда республика кўзи оғизлар кутубхонаси қошида брайль алифбосидаги адабиётларни чоп этишга мўлжалланган босмахона мавжуд. Бу эса мамлакатимиздаги барча кўзи оғиз кутубхоналарига брайль алифбосидаги адабиётларни етказиб беришда ва улар эҳтиёжини қондиришга қамлик қилади. Барча вилоят кўзи оғизлар кутубхоналари қошида кичик босмахона ва овоз ёзиш студияси ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ бўларди. Бу эса кўзи оғизларнинг брайль ёзувидаги адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ва энг асосийси ногиронлиги бор иқтидорли ёшларни иш билан таъминлашга хизмат қилади.

Республикаимиздаги кўзи оғизлар кутубхоналарида фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда фондларни тўлдириб, уларни жамлаш ва кейинчалик эркин фойдаланиш имкониятини яратиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида тақдим этилаётган хизматлар ҳажмининг ўсиб бориши Андижон вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси қошида ҳам брайль шрифтидаги адабиётлар чоп этиш учун кичик босмахона ташкил этиш заруриятини кўрсатмоқда.

Босмахонада республикада биринчилардан бўлиб, 4500 (минг)дан ортиқ кўзи оғиз болаларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, брайль алифбосида болалар адабиётини нашр қилишни йўлга қўймоқчимиз. Мисол учун, бунда фақат эртақ китоблар уч тилда, яъни ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади. Улар кўзи оғиз ва заиф кўрувчи болаларга мўлжалланади. Бошқа турдаги болалар адабиётлари брайль алифбосида ўзбек тилида чоп этилади. Бу эса болаларнинг бадиий адабиётга, мустақил билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради.

Ушбу хайрли ишларни амалга оширишдан кўзланган мақсад, мамлакатимизда кўзи оғизлар кутубхоналарининг янада ривожланиши ҳамда ёшларнинг ахборот олишга бўлган талабини қондириш ва фондини тўлдирибдан иборат.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, сўнгги йилларда кўзи оғизлар кутубхоналарига қаратилган эътибор ва яратилаётган шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда бор куч-гайратимизни аямая, китобхоналарга замон талаби асосида кенг китобхонликни тарғиб этиб борамиз.

Х.Т.УМАРОВА,
Андижон вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси директори

Янги сахна асарлари

“Бахши”



14 июнь куни Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида Н.Шодмонов муаллифлиги, Д.Ҳақбердиев режиссерлигида “Бахши” мусиқали драма спектаклининг жамоатчилик кўриги ўтказилди. Мазкур сахна асарининг мусиқаси О.Комилжонов томонидан басталанди. Рассом М.Холиқов эса унинг жонли чиқиши ва давр нафасини бериш учун

бор маҳоратини ишга солди.

Жараёнда Маданият вазирлигининг Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Турсуной Файзуллаева, драматург Хайитмат Расул, Маъмуржон Умаровлар ҳам иштирок этишти. Уларга сўз берилганида, асар режиссёри Достон Ҳақбердиев томонидан сахнага қўйилган спектаклни юксак эътироф этишти. Жумладан,

ушбу спектакль билан ўзбек театрлари пешқадами бўлган Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри жамоаси миллий кадрларимиз, гўзал урф-одатларимиз тарғиботи сифатида халқаро фестивалларда ҳам иштирок этиши мумкин дея баҳоладилар.

Театр жамоасини ва ушбу спектакль ижодкорларини янги асар билан муборакбод этамиз!

Мозийга назар

Буёқ файласуф олим, ўрта аср Шарқ мусиқа назарияси асосчиларидан бири – Абу Наср Муҳаммад ибн Ҳазина Тархон – туғилган шаҳрининг номига ўзига тахаллус қилиб танлаган ва бутун дунёга Форобий бўлиб танилган.



“Муаллими Соний”дан мусиқий мерос

Форобий 873 йилда Сирдарё ёқасидаги Фороб шаҳрида туғилган. Дастлабки таълимни ўз она шаҳрида олган. Дурустгина билим эгаси бўлсада, аввал Бағдод, Дамашқ шаҳарларида, сўнгра Мисрда қўшимча таълим ўрганади. У ўз замонасидаги барча қолгуларни чала билган. Шу билан бирга барча соҳаларни мукаммал ўрганиб, илм ривожига улкан ҳисса қўшгани, юнон фалсафасини шарҳлаб дунёга кенг танитгани боис Шарқ мамлакатларида “Ал-муаллим ас-Соний”, яъни “Иккинчи муаллим” (Арастудан кейин) “Шарқ Арастуси” номини олган.

Муаллими Соний йигитлик чоғларида Тошкент, Бухоро, Самарқандда бўлиб, тахсил олгани тарих солномаларидан маълум. Кейинчалик ўз билиминини янада мустаҳкамлаш учун халифаликнинг маданий маркази Бағдодга қараб йўл олган. Сўнг Эроннинг Исфаҳон, Ҳамадон, Рай, Дамашқ шаҳарларида яшаб, ўқиб-ўрганган. Форобий умрининг сўнгги йилларини Халаб (Алеппо) шаҳрида ўтказган. 949-950 йилларда Мисрда, сўнг Дамашқ шаҳарларида яшаб, шу ерда вафот этган. Аллома “Боб ас-сағир” қабристонига дафт этилган.

Айрим маълумотларга кўра, “Муаллими Соний” 70дан ортиқ тил ва лаҳжаларда сўзлашишни билган. Баъзи манбаларда келтирилишича, у моҳир бастакор бўлиб, қонун қолгусини ихтиро қилган. Танбур, уд, гижжак, чанг, най ва қонун қолгуларини маҳорат билан чалган. Форобий мусиқа бобида ўткир дид, кучли билим ва тенгсиз қобилият эгаси бўлгани боис, ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари маданияти билан яқиндан таниш эди. Унда мусиқий билимлар шаклланишига, айниқса, ана шу икки минтақада яшовчи миллатларнинг мусиқий мероси катта таъсир кўрсатган. Бу у ёзиб қолдирган асарларда яққол намоён бўлади. У ижрочилик ва бастакорлик ижодидида шу қадар юксак чўққиларга эришганки, ҳатто бу тўғрида халқ орасида афсоналар ҳам яратилган.

Бир афсонага кўра, Форобий чалган шўх тароналар кишиларни тўлқинлантирса, маҳзун куйларидан энг зийрак кишилар ҳам ухлаб қолган.

Шунингдек, у қадимги юнон мутафаккирлари Платон, Аристотель, Птоломей, Порфирий асарларига шарҳлар ёзиб, мураккаб жойларини тушунтириб берган. “Метафизика”, “Этика”, “Риторика”, “Софистика” каби асарларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи махсус ижодлар қилган. Бундан ташқари, аллома ўрта аср табиий-илмий ва ижтимоий билимларининг қарийб барча соҳаларида

160дан зиёд асар яратган. Аллома меросида “Юлдузлар ҳақидаги қондаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги тўғрисида” рисоласида осмон жисмлари билан ердаги ҳодисалар ўртасидаги табиий алоқалар, булултар ва ёмғирлар пайдо бўлишининг қуёш иссиқлиги таъсирида буғланишга боғлиқлигини ёки Ернинг Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқ эканлигини кўрсатиб берган. Бу билан у осмон жисмларига қараб “фол очувчи”ларни фош этган.

Аллома мусиқа фалсафаси, мантик, математика ва бошқа фанлар бўйича катта-катта илмий асарлар яратган замонасининг етук олимларидан бўлган. Манбаларда келтирилиши, Форобийнинг “Ритмлар классификацияси” (Ихсо ал-улум), “Катта мусиқа китоби” (Китоб ал-мусиқа ал-кабир), “Мусиқага кириш” (Мадҳал фи-л-мусиқа) каби кўплаб китоблари қўлёзма сифатида дунёнинг кўплаб кутубхоналарида сақланмоқда. Форобийнинг замонавий илмга асосланган иккита мусиқа асари “Илмлар классификацияси”нинг мусиқага бағишланган бўлими “Катта мусиқа китоби” дир.

Олим мусиқани инсон ахлоқини тарбияловчи, сийҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб ҳисоблаган. “Катта мусиқа китоби”нинг дунё кутубхоналарида сақланганидан бир неча нусхалари маълум. Аллома таваллудининг 1100 йиллиги муносабати билан араб олимлари Закарий Юсуф ҳамда Маҳмуд Дафний томонидан мавжуд қўлёзмалар асосида китобнинг мукаммал матнин тайёрланиб, нашр қилинди. Бу адабий мерос асарлар давомида мусиқа фанида энг нодир ва ноёб асар саналиб келинмоқда. У дастлаб XII асрда Зоҳид Гульдислав томонидан лотин тилига таржима қилинган. Сўнгги вақтларда “Катта мусиқа китоби” бир қанча шарҳ ва тарб тилларига ҳам ўтирилган. 1840 йилда немис шарқшуноси Ланд китобнинг чолғу асбобларига оид қисмини лотин тилига таржима қилган.

XX асрнинг 30-йилларида “Катта мусиқа китоби” барон Рудольф д’Эрланже томонидан француз тилига таржима қилиниб, “Араб мусиқа” тўпламида чоп этилган. Ушбу таржима орқали Форобий мероси Европада кенг жорий қилинган. Француз тилига таржима қилиниб, “Араб мусиқаси” тўламида “Катта мусиқа китоби”нинг турли боблари форс ва турк тилларида ҳам нашр этилган. Ўзбек ва қозоқ тилларида эса қисман таржима қилинган. Ушбу асарнинг бизгача етиб келган нусхаси икки қисмдан иборат. Булар “Мусиқа санъатига кириш” (Мадҳал синаату фи-л-мусиқа) ва “Асосий қисм” (Жузуй асл). Аллома, шунингдек, товушнинг акустик хусусиятлари, яъни тебранувчи тананинг ҳажми ва товушнинг баланд-пастлиги ўртасидаги муносабатларни турли қолғулар мисолида очиб, улар миқдорини математик услубда ифодалаш омиллариини тушунтирган.

“Шеърятдаги харфлар вазифасини куйларда ўтайдиган нарсаларнинг”, – деб ёзди аллома. Демак, товуш сўзидан келиб чиқувчи тушунча – нағма (мусиқавий товуш, тон, парда). Форобий нағмаларининг паст-баландлик сабаблари, мутаносиблик омиллари ва шу хусусиятлар орқали ҳиссиётга таъсир кўрсатиш масалалари устида мулоҳаза юритди. Бўд (интервал) категорияси илму таълифининг марказий тушунчаларидан ҳисобланади. Чунки, парданинг ўзи алоҳида куй бўлаги бўла олмайди. Интерваллар ҳосил бўлишини Форобий тебранадиган тананинг ҳажми ва миқдорини ўлчаш ва юзага келган бўлақларни сонлар нисбатидида ифодалаш йўли билан тушунтирди. Товуш паст-баландлигини белгиловчи омиллари турли қолғуларда бир-бирдан фарқланади. Шунингдек, аллома изоҳлаган, илк бор яратилган мусиқа ритми “Зарбул-қадим” (Қадим зарб) деб аталади. Бу усул гўё инсон томирининг уришидан олинган бўлиб, жуда содда “тан-тан” шаклида келган. У ҳозирги кунда “Сарахбор” номли мақом усули сифатида машҳурдир.

Форобий қомусий олим сифатида мусиқий назария буйича самарали ишларни амалга оширди. У яратган илмий рисоалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шунингдек, Шарқ ва Ҳарб тамаддунига улкан ҳисса қўшган олим фаолияти ҳозирги кунда ҳам мусиқашунос олимлар томонидан илмий-амалий жиҳатдан ўрганиб келинмоқда.

ОТАБЕК МИРЗАЖОНОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
“Академик ижрочилик”
факультети талабаси

Кеча ва бугун

“75 ёшинг муборак, шаҳрим”

Бу йил Ангрэн шаҳрининг 75 йиллиги муносабати билан шаҳар тарих музейининг “Этнография ва санъат бўлими”да янги – “Шаҳрим фахрийлари” номли кўрғазма очилди. Ундан шаҳарнинг ташкил топишига катта ҳисса қўшган инсонлар, соҳада кўп йиллар меҳнат қилган фахрийлар, худуднинг гуллаб-яшнаши учун бор имкониятини ишга солган фидокорларнинг 50дан ортиқ экспонатлари жой олган.



1946 йил 13 июнь куни кончилар кўрғонига шаҳар мақоми берилди. Ўша вақтда 20 000 аҳолига эга бўлган шаҳарда йилга 150 000 тонна кўмир қазиб чиқарилади. Шу йиллари уларнинг илк уйлари қурила бошланган, кўмир резрезининг биричи навбати ишлаб чиқаришга топширилган. Ўзбекистоннинг қон ҳавзаси тарихи шундай бошланган.

Д.А. Богданович, Г.С. Чириков, В.А. Захариевич, Ю.Охунбобоевлар Ангрэн кўмир ҳавзасига тамал тошини қўйган қимсалар ҳисобланади. Авваллари шаҳар ўрнида ботқоқлик ва қамшизорлар бўлган. Бугунги кунда Ангрэн Мустақил Ўзбекистоннинг энг йирик энергетика ва ёқилги базасига айланган. Ҳозирда худудда каолинни қайта ишлаш ва бойитиш фабрикалари ишламоқда.

Бозор муносабатларининг тараққий этиши, давлат мулкларининг хусусийлаштириш натижасида нодавлат сектор жадал сурьатларда ўсиб бормоқда. Охириги йиллар ичида 33та корхона ҳисадорлар қўлига ўтди. 500та кичик, хусусий корхоналар ташкил этилди, 51 корхона хусусийлаштирилди. 112 корхона номонистлик корхонага айлантирилди.

Бугун Ангрэн шаҳрини тез ва мутаносиб тараққий эттириш учун барча имкониятлар бор. Илмий текшириш олийгоҳи мутахассислари томонидан шаҳримизнинг тараққий дастури ишлаб чиқилган. Шу билан бирга Туркия давлати билан ҳамкорликда каолин фабрикасини қуришга келишган.

Зиёдаҳон САЙДИҒАНИЕВА,
Ангрэн шаҳар тарихи музейи бўлим мудираси

Танлов

Истеъдодлар сараланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган ёш истеъдодлар учун "НИХОЛ" мукофоти танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур мукофот истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatга олиб, ўзининг эстрада, мусика, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати



ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка қорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириш бориш мақсадида берилади.

Танловда бир қатор умидли ёш хонанда ва созандалар саҳнада ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб деб топилган иштирокчилар республика танловига йўланмаларни қўлга киритишди ва вилоят маданият бошқармаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маънавий фестивали



Мақом кечалари

Кўконда "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик" шиори остида ўтказилаётган Маънавий фестивали доирасида "Мақом кечалари" концерт дастури намойиш этилди.



Фурқат боғида ташкил этилган тадбирни очган Кўкон шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов барчани фестивал билан қутлади. Шу билан бирга давлат раҳбари ташаббуси билан халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳусусида гапирди.



Давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ташкил этилган концерт дастурида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали ўқитувчи ҳамда талабаларидан ташкил топган "Янги Ўзбекистоннинг ёшлар ансамбли" томонидан куй-кўшиқлар ижро этилди.

Дастурда Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Азизбоевлар ҳам бетакрор кўшиқлари билан қатнашиб, барчанинг олқишига сазовор бўлишди.

Фарғона вилоят маданият бошқармаси ахборот хизмати

Давоми. Боши 1-саҳифада

Энг яхши тадбиркорлар учун Президент совринлари

Бинонинг иккинчи қаватида республикамизнинг барча ҳудудлари, вилоятларида фаолият олиб бораётган тадбиркор, хунармандларнинг сара маҳсулотлари кўргазмага қўйилган. Дафъатан уларни илғаб, эслаб қолмиш қийин: ахир бу ерда кўрик-танловнинг ҳудудий босқичларида сараланиб, голиб бўлган 70га яқин ишбилармонларнинг маҳсулотлари намойиш этилмоқда...

Улар орасидан энг муносибларини: "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши хунарманди" ва жорий йилда ilk бор "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли"ни аниқлаш ҳакамлар ҳайъатига осон бўлмагани аниқ...

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини рағбатлантирувчи бизнес муҳитини яратиш, мамлакат иқтисодиётида ҳусусий сектор улуши ва аҳамиятини ошириш; тадбиркорларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарурий шарт-шароит яратиш; тадбиркорлик фаолиятидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш; энг муҳими, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рекламасига, тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларига кўмаклашиш; аynиқса, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, бу борада тенгдошларига ўрналган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш мақсадида йўналтирилган мазкур кўрик-танлов бу йил "Тараққиёт сари қадам" шиори остида босқичма-босқич ташкил этилиб, пировардида тадбиркор ва хунармандлар учун энг қувончли дамларни ҳада қилди...

Биз танлов иштирокчиларидан бири Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзақ туманидан келган ёш фермер Темур Панаевни суҳбатга чорладик.

– Бизнинг "Панаев Фермс" фермерхўжалигимиз кўп тармоқли ҳисобланади, – дея сўз бошлади у. – Чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, маҳсулотларни қайта ишлаш каби...

Темур ўз ишини севадиган, келажакка ишончи қатъий шижоатли ёшлар сирасидан экан. Унинг сўзларини тинглаб, бизнинг ҳам кўнглимиз ёришди: "Фермерлик иши билан шуғулланаётганимга етти йил тўлди. 25 ёшдаман. Бу ишни менга отам ўргатган. Ўзи қурувчи, лекин фермерликнинг хосияти мўл: одамларнинг қорига ярайсан, дуосини олсан" дея жуда ёшлигимдан уқдириб келади. Мақсадим, фермерликни ёшлар орасида оммалаштириш. Хўжалигимизни шундай ривожлантирайки, "Фермер" сўзи бошқларда ҳавас, иштиёқ уйғотсин! Бу йўлда мен тинимсиз изланиш олиб боряман. Янги-янги инновацион ғояларни ўйлаб юраман. Отамнинг қўллаб-қувватлаши, рағбати, давлатимиз раҳбари томонидан биз ёшларга бе-



рилаётган имкониятлар туфайли дунёнинг қатор мамлакатларига бориб ўқиби, тажриба алмашиб келяпман.

Австрия, Германия, Испания, Италия, Россия, Қозорғистон, Хитой фермерлари тажрибаларини ўрганиб келдим. Айниқса, италияликларнинг пишлоқ тайёрлаш услубига жуда қизиқаман...

Биланларимни тенгқурларимга, соҳага қизиқувчи ёшларга ҳам ўргатиш мақсадида фермер хўжалигимиз қошида ўқув маркази ташкил этганмиз. Машғулотларимиз бепул олиб борилади...

Қисқаси, 210 кишини иш билан таъминлаган ёш тадбиркорнинг ҳали режалари, ғоялари бисёр, улар ҳақида кейинги суҳбатларимизда билиб оламиз...

Дарвоқе, Темур каби ишбилармон, изланувчан ёшлар, тадбиркорлар учун тадбир давомида Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Ёшлар ишлари" Агентлиги, Ўзбекистон почтаси ҳамда "Ёшлар – келажакимиз" жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган "Маҳаллий маҳсулотларни электрон тижорат платформалари орқали экспорт қилиш ва ундаги мавжуд имкониятлар" мавзусидаги давра суҳбати айни мудиба бўлди.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромовнинг тадбиркорларга яратилаётган шароитлар, уларнинг ишчанлик қобилиятини оширувчи омиллар ҳақидаги, маҳсулотларини реклама қилишда "Амазон" платформасидан оқилона фойдалана олишлари учун зарур бўладиган жиҳатлар борасида мутахассислар Бекзод Ботиров, Феруз Аллаевларнинг қизиқарли суҳбатлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Суҳбат давомида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди. Шундан сўнг, голибларни тақдирлаш маросими элимиз ардоғидаги сеvimли санъаткорлар ижросидаги куй-кўшиқ, шўхчан рақслар билан давом этди.

Маросим иштирокчиларидан бири, тадбиркор аёл, сенатор Фароғат Саъдуллаева "Ташаббус – 2021" кўрик-танлови ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, шундай деди:

– Тадбиркор, хунармандлар учун бу каби танловлар, кўргазмалар жуда катта аҳамиятга эга. Аввало, одам ўз ишини қай даражада тўғри йўлга қўягани ҳақида тасаввурга эга бўлади, бошқалардан ўрганиб, тажриба алмашиб тадбиркорлигини янада ривожлантиради. Ахир иштирокчилар орасида янги-янги ғоялар, лойиҳалар асосида иш олиб бораётган изланувчан, ғайрат-шижоатли ёшларимиз кўп. Ўзингиз кўриб турибсиз, тадбиркор, хунармандларимиз яратаётган маҳсулотлар



нафақат Ўзбекистон, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Қолаверса, моддий ва маънавий рағбат ҳар бир соҳа вакили учун ўзини янада ёрқин намоеён этишига туртки бўлади. Шу маънода "Энг яхши" тадбиркору хунармандлар учун Президентимиз соврини улкан эътибор, рағбат намунаси бўлди... Айниқса, бу йилги кўрик-танловда ilk бор "Энг яхши тадбиркор аёл"нинг нуфузли соврин билан тақдирланиши биз аёлларга жамиятда алоҳида ўрнимиз борлигини яна бир бор кўрсатди. Қорақалпоғистонлик энг яхши тадбиркор аёлга берилган "Нексия" автомоби биле кейинги танлов иштирокчилари учун янада иштиёқ билан фаолият олиб боришларида муҳим омилдир...

Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида ҳар бир иштирокчи шундай юксак эътирофга муносиб. Улар "Энг яхши инвестицион лойиҳа", "Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор", "Энг яхши оқлави бизнес соҳиб", "Энг яхши экспортчи", "Энг яхши миллий бренд", "Энг яхши тадбиркорлик кластери", "Энг яхши кўргазма намойиши учун", "Туризм соҳасига қўшган ҳиссаси учун", "Маҳалланинг ривожига энг кўп ҳисса қўшган тадбиркор", "Интернет технологиялари соҳасидаги энг яхши тадбиркор" номинациялари доирасида ҳам рағбатлантирилди...

Шундай қилиб, ўз интилиш-изланишлари туфайли омад кулиб боққан 1-ўрин эгалари Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманидан Амина Бегжанова, жиззахлик Мирзо Файзуллаев, Ташкент вилоятидан Саидазим Юнусхўжаев, самарқандлик ёш тадбиркор Фазлиддин Салимов, андижонлик Ҳусниддин Каримов, Фарғона вилоятидан Иброҳим Султонов каби голибларимиз уйларига Президент совғаси "Нексия" да кетадиган бўлишди.

Шунингдек, иккинчи, учинчи ўрин соҳибларига ҳам 20, 25 миллион сўмлик пул мукофотлари, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА

Соғлом авлод

Спорт бизни бирлаштиради



16 июнь куни Бухоро вилоят кўзи ожизлар махсус кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси доирасида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” муносабати билан зиё масканидаги ёш ҳамда фаол китобхонлар ўртасида “Спорт бизни бирлаштиради” номли спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Тадбирда эпчил ва чаққон ёшлар икки

гуруҳга бўлиниб, “Умид учкунлари” ҳамда “Соғлом авлод” номлари остида ўзаро беллашдилар.

Тўртта шартдан иборат мусобақада “Умид учкунлари” жамоаси 48 балл тўплаб биринчи ўринни, 44 балл йиққан “Соғлом авлод” жамоаси эса иккинчи ўринни қўлга киритди. Беллашув сўнггида ҳар иккала жамоа иштирокчилари кутубхона томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ибрат мактаби

Тарихий ҳақиқат ота-оналаримиз учун бир жумбоқ бўлган йилларда қанчадан-қанча аждодларимиз номи, таъбир жоиз бўлса, кул остида қолган хазина каби номаълум ёки нотўғри қарашлар соясида қолиб кетган эди. Улардан бири улўғ аллома Хожа Аҳрор бобомиз бўлган. Ўз вақтида бу буюк зот илм-маърифат душмани бўлган деган нотўғри маълумотлар ҳам берилган...

Шайхлар шайхи ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Шукрки, истиқлол тўфайли ўзлгимизга қайтиб, “оқу қора”ни фарқлай оладиган бўлдик...

Устозларнинг тарихимиз ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари бизни шу фан билан қизиқиб қолишимизга сабаб бўлганда, балки. Эндиликда мен ҳам билганларимни бошқаларга сўзлаб беришни, шу йўл билан аждодларимиз олдидаги қарзимизни оз бўлса-да, узсам дея ният қилганман...

...Мен 26 нафар ўсмирга шу саволни бердим: “Хожа Аҳрор Валий бобомиз ким бўлган?” Ростини, улардан аттиги 3 нафари жавоб беришди. Жавоблар ҳам аниқ ва жўяли эмас. Ваҳоланки, буюк ватандошимиз ўз фаолияти билан Мовароуннахр ва Хуросон халқларининг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган. Ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчилар бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-гайратини сарфлаган. “Шайхлар шайхи” деб ном олган бу улўғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган.

Хожа Аҳрор Валий 1404 йил (ҳижрий 806 й.) рамазон ойида Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги Богистон қишлоғида таваллуд топган. Бу ҳақда Алишер Навоий “Хайрат-ул-аброр”да шундай ёзади: “Аларнинг мавлиди Тошқондир, оталари дарвеш киши эрмиш, она тарафидин ҳамоноки, Шайх Таҳурки, ул вилоятда мутаайин (машхур) шайх эрмиш, анга етарлар ва ўзларида бу иш чошини тўфуллати айёмидин бор эрмиш...” (Алишер Навоий “Насоим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”).

Хожа Ўбайдуллоҳнинг оила аъзолари ҳам ўз замонада маърифатли кишилар бўлган.

Улўғ зотнинг Самарқандда султон маслаҳатчиси сифатида фаолият юритиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келди. Чунки, Хожа Аҳрор Валий нақшбандийлик тариқатининг пешқадами бўлиш билан бирга, эл-улус осойишталиги йўлида, хунара ва тижорат аҳли равақати учун ҳар қандай бахсли муаммоларни келишув билан, уруш ва қон тўқибаси ҳал этган. У ўз бобоси Шайх Хованди Тоҳурнинг “Мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма – мусулмон бўл” деган пурмаъно сўзларининг асл моҳияти, яъни оддий, пок, ҳалол, заҳматкаш ва қомил инсон бўлишга даъватини яхши англагани учун ҳам инсонларга яхшилик қилиш, эзгу ишлари билан дунёни обод этиш, ғариб ва мискинлар аҳлидан огоҳ бўлишга ҳамisha интилди.


Б.Валихўжаевнинг “Хожа Аҳрор тарихи” китобида таъкидланганича, Хожа Аҳрор Валий ихтиёридаги ерлар Тошкент вилоятидан то Амударё соҳилларигача бўлган жуда катта ҳудудни эгаллаган. Бу ҳудуд 58 минг гектар ерни ташкил этиб, унда миллионга яқин чорва, минглаб йил-қи, бехисоб экинзорлар бўлган. Шунингдек, ҳудудда кўплаб хўнарамдочлик устахоналари, савдо дўконлари фаолият кўрсатган. Ҳурғут, Миёнкол, Самарқанд атрофидаги қишлоқларда Хожанинги уйлари ва



боғлари бўлган. Аммо шундай беқиёс мол-мулкка эга Хожа Аҳрор Валий ихтиёридаги ерлардан келадиган даромаднинг ўзи учун сарфламай, уни юртни ободлаштириш, халқ оғирини енгил қилиш, солиқларини тўлаш, мадраса, масжид, хонақоҳ, шифохона, мусофирхона қуриш ишларига сарфлаган. Шунинг учун ҳам бу зот номи халқ ичиди шу кунгача ўз фахру ифтихорини, мухтарам зот сифатини сақлаб қолган.

Хожа Аҳрор Валий ҳожатбарорлигининг ёрқин мисоли сифатида Умаршайх Мирзо Шош (Тошкент) аҳолисида 250000 динор ҳажмида солиқ талаб қилган вақтида Хожа Аҳрор уларни ўзи тўлагани ҳамда фуқароларининг қишдан эсон-омон чиқиши учун яна қўшимча тарзда 70000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширганини айтиш ўринали.

Бу ва бошқа мисолларда халқ назарида ул зотнинг нақадар ҳимматли ва покиза шахс сифатида намоён бўлгани яққол кўринади. Бошқача айтганда “Фақирлигим – фақрим” деган ҳадисни дастуриламал қилган Хожа Аҳрор дунёвий бойлик ва фаровонликдан ўзи учун фойдаланмасликка интилган, ҳисобсиз мол-мулкка эга бўлса ҳам, барча таъмаллар-



ни рад этиб, фақирона ҳаёт кечирган. Зеро, тасаввуф инсоннинг мол-дунё, бойликка эга бўлишига қарши эмас, сўфийлар ичиди боилари ҳам, камбағаллари ҳам бор эди. Лекин уларнинг асосий зътибори қалба қаратилган. Улар умрнинг арзимас ва ўткинчи нарсалар, ҳою ҳавасларга сарфлашга қарши бўлишган. Тарихда илм аҳли, шунингдек, сўфийларнинг ҳам савдо сотиқ ишлари билан машғул бўлгани, бундан мақсад эса бойликка қўнғил қўйиш эмас, аксинча мол-дунё ва бойликнинг моҳиятини тўғри тушуниб етиш ва уни эзгу ишларга сарфлаш эканини кўрсатувчи мисоллар талай. Шу маънода, бойликка меҳр кўрсатмаган ҳолда, унга эгалик қилиш комилликнинг яна бир нишонаси ҳисобланган.

“Табаррук рисолалар” китобида келтирилишича, Хожа Аҳрор халққа хизмат қилишни улўғ фазилат деб билган. “Рашаҳот” да ул зот-

нинг каттаю кичикка кўрсатган хизмат ва шафқатлари ҳақида алоҳида фасл берилган. Али Сафийнинг ёзишича, Хожа Аҳрор ёшлиқдан то умрининг охиригача дўста ҳам, бегонага ҳам хизмат ва шафқат кўрсатишга ҳарис бўлган. “Маҳофил ва мажолис (йигин ва ўтириш)ларда хизмат этмоқда ҳамма кишига сабат кўрсузур (яъни ҳаммадан ўзиб кетар) эдилар” (Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳоту айинил ҳаёт” (оби ҳаёт томчилари)).

Хожа Аҳрорнинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Ҳар кишини бир эшиқдан келтириб-дурлар, мани хизматининг эшиғидан келтириб турурлар, бу жиҳатдан турурким, хизмат манинг марзом (розилигим), мухтор (ихтиёр қилганим) ва маҳбубам (яхши кўрганам) турур”.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Аҳрор Валий муридларига қарата: “Бозорларга боринглар, одамларнинг оғирини енгил қилинглар” деб буюрар экан.

Хожа Аҳрор Валий ўз давридаги султонлар, подшолар ва ҳокимларга тинимсиз мактублар йўллаб турган. Уларнинг ҳар бирида халқ аҳволини яхшилаш, золимларга жазо бериш, муҳтожлар ҳолатини чиқариш масалалари кўтарилган. Хожа Аҳрорнинг бу мактублари Алишер Навоий томонидан тузилган “Мажмуайи мурасалот” (“Мактублар мажмуаси”)да дастхат (автограф) ҳолида сақланган. Яқинда бу мактубларнинг инглиз тилига таржимаси босмадан чиқди. Бу инглизча таржима шарқшунос олим А.Ўринбоевнинг рус тилига қилган таржимаси асосида амалга оширилди.

Мазкур мактублардан бири Алишер Навоийга йўлланган бўлиб, унда Навоийнинг вазирлик мансабидан кетмаслиги илтимос қилинади. Хожа Аҳрор жумладан ёзади: “Эшитишимизча, баъзи воқеалар ва ҳодисалар сабабли онҳазрат (Хусайн Байқаро)нинг мулозаматида бўлишдан сиз жаноблари малоллик чекаётган эмишиз. Илтимос шуки, мусулмонларга ёрдам кўрсатиш учун хотира шарифингизни саройда мулозамат қилиш учун қаратсангиз... Умидимиз шуки, бирон фақирнинг хотири бирон-бир қийинчиликлардан наҳот топиб, унинг хўнгли хурсандчиликка етиши эвазига дилингизда шундай равақлик ҳосил бўлсаки, дунёвий паршонликка қарамай, Ҳақ таъолога етишиш завқи ошиб бурса. Ҳеч ким мусулмонларнинг гамини емай қўйган бу вақтда улар ҳақида қайғуриш энг хайрли ишлардан кўринади”.

Гулшода СИРОЖЕВА,
Регистон мажмуаси гид экскурсоводи

Самимий суҳбат



Раҳбар ва ёшлар учрашуви

Бугун ҳар жабҳада дунё ёшлари билан тенглашаётган келажакимиз эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш эртанги ёрқин кунимиз кафолатидир.

15 июнь куни хизмат сафари билан Андижон вилоятига ташриф буюрган Маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳам ёшлар билан учрашди.

Шаҳрихоннинг шижоат ва ғайратга тўла ёшлари билан мулоқот давомида маданият ва санъат соҳасида ўз ечимини қутаётган муаммолар тингланди. Ёшларни қийнаётган масалалар ечими юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Суҳбат давомида Маданият вазири ёшларга ўз танлаган касбининг тадбиркори бўлишликни, маданият ва санъат йўналишида ҳам босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтилиши зарурлигини таъкидлади ҳамда бу борада уларга муҳим тавсиялар ва маслаҳатлар берди.

– Қувонарлиси, мустақил фикрли, кенг дунёқарашли, ўз билими ва кучига ишонган, инновацион ғоя ва таклифларга тўла, кўзларидан ўт чакнаб турган ёшларимиз Шаҳрихонда ҳам бисёр экан. Биз ҳамisha уларни қўллаб-қувватлаб, маънари ва амалий дастак бўлишга тайёрмиз – дейди О.Назарбеков.

16 июнь куни эса Маданият вазири Наманган вилоятининг қўўна ва қадим Чуст туманида бўлиб, маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб бораётган, таҳсил олаётган ёшлар шундай йўналишда қишини истаган, соҳа билан боғлиқ истиқболли инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилган ёшларни тинглашда давом этди.

Чустлик ёшлар билан ўтган учрашувда туман ҳокими ҳам иштирок этди. Мулоқот давомида йигит-қизлар маданият ва санъат соҳасидаги муаммоларни айтиш баробарида, янгидан-янги таклифлари билан ҳам ўртоқлашдилар.

Ижодий учрашув



“Кино қарвони” Фарғонада

Ислом Қаримов номидаги Фарғона вилоят театр ва концерт саройи ёғи амфитеатрида “Янги Ўзбекистон ва миллий кинематография” шiori остида “Кино қарвони” тарғибот гуруҳининг ижодий учрашуви ташкил қилинди.

Тадбирда кино ижодкорлардан Боир Холмирзаев, Маъруф Отажонов, Умид Искандаров, Саид Мухторов ва бошқалар иштирок этишди.

Учрашув доирасида намойиш этилган “Мен террорчи эмасман” фильми томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Фильмда илгари сурилган ғоя бугунги ёшларни ўзи йўлидан адашмай, аниқ мақсадлар сари журъат билан оидмлаш кераклигига ундайди.

Бағри кенг
Ўзбекистон

Умумий
уйимиз

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтаётган "Бағри кенг Ўзбекистон – умумий уйимиз" миллатлараро дўстлик фестивали давом этмоқда.

Биламизки, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ҳамжиҳатлик

ва тотувликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган эди.

Гулистонда ўтказилаётган тadbир ҳам ушбу хайрли ташаббуснинг яққол мисолидир.

12 июнь куни Сирдарё вилояти мусикали драма театри ижодкорлари томонидан турли вилоятлардан келган фестивал қатнашчилари учун Н.Аббосхон қаламига мансуб "Инсон ўзинг..." спектаклининг намойиши эса бу онларнинг узоқ вақт эсда қолишига хизмат қилиши шубҳасиз.



Мозий тилга кирганда



Учқўрғон тарихига бир назар

Ҳозирги Учқўрғон тумани худуди Фарғона водийсининг қадимий аҳолиси жойлашган минтақаларидан биридир. Ғуша аҳолисининг ўтроқ ҳаёт кечириши ва дастлабки суғорма деҳқончилик тўғрисидаги маълумотлар миллоддан аввалги VI-IV асрларга бориб тақалади. Бу вақтларда водий сиёсий-маъмурий жиҳатдан шаҳар давлатлари иттифоқидан иборат бўлган.

1925 йилда 28 июлда Учқўрғон тумани ташкил этилган. 1940 йилгача Фарғона вилояти, 1941 йил 6 мартдан Наманган вилояти, 1960 гача Андижон вилояти, 1968 йилдан яна Наманган вилояти таркибидаги туман ҳисобланган. Наманган вилояти худуди инсоният цивилизациясининг энг қадимий минтақаларидандир.

Наманган вилояти тарихий ёдгорликларини ўрганиш XIX аср охирида бошланади. Дастлабки археологик текширувлар Н.И.Веселовский томонидан Ахсикат харобаларида ўтказилган. Кейинчалик Чуст, Косонсой, Поп ва бошқа жойларда Фагга маълум бўлмаган янгиликлар очилди. Афсуски, Учқўрғон хусусида инсоният цивилизациясига тааллуқли археологик ёдгорликлар тўлиқ

ўрганилгани йўқ. Мўғилистоннинг Конно-Цайдам водийсида – Кўкшин-урхун дарёси қирғоғида топилган, Билга ҳоқон иниси Култегин битиктошида айтилишича, Билга ҳоқоннинг ота-бобоси Бумин ҳоқон ва Истами ҳоқонлар вафот этганларида азага келган турк уруғлари орасида Учқўрғон уруғи ҳам тилга олинади. Учқўрғонлар ҳақида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар учрайди. Ҳозирги Учқўрғон шахрига асос солган кишилар ҳам айнан шу учқўрғонлар бўлиши, бу ном соддалашиб, кейинчалик Учқўрғонга айлангани эҳтимолдан узоқ эмас.

Учқўрғонлар каттагина уруғ бўлган. Чунки Туркия қабилаларида Учқўрғон номли аҳоли манзиллари анчагина. Қадимги Учқўрғон Нориннинг ўнг соҳилидаги Муғ ва яна

икки кўрғон (Қизил равот)дан иборат бўлган, учқўрғонликларнинг аждодлари ҳозирги худудини кейинчалик ўзлаштирганлар, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу юртини V-VI асрларда эфтолилар, VI-VII асрларда турк ҳоқонлиги, XIII асрларда араблар, IX-X асрларда сомонийлар, қорахонийлар, XIII асрда Хоразмшоҳ Муҳаммад ва найманлар шоҳи Кучлукхон, XIV асрнинг 2-ярмидан те мурийлар бошқардилар. XVIII аср бошида Фарғона водийсида Кўқон хонлиги вужудга келиши муносабати билан Учқўрғон замини ана шу салтанат тасарруфига ўтган.

Ш.ИСМОНАЛИЕВ,
Наманган вилояти ва маданияти давлат музейи илмий ходими

Дурдона битиклар

Ёзув – мозийни ёритувчи машъал

Буюк давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темурут хат, яъни ёзув тўғрисида гапириб: – "Битик барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни яратувчи мураббийдир", деган эди. Ёзув ҳақида Мунис Хоразмий "Саводи таълим" китобида тўхталиб, шундай дейди:

*Хар сўзқи, кўнгулдин ўлди маъжуд,
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд.*

Илмни китобот (ёзиш) билан боғлаб (мустаҳкамлаб) қўйинглар, деган эканлар пайгамбаримиз (САВ). Аждодларимиздан шундай нақл қолган, "Илм ов қилиб тутилган жониворга ўхшайди. Уни китобат (ёзиб қўйиш) билан боғлаб қўйилади". Яна бирлари эса "Хар қандай илм дафтарингга ёзилмас экан, у зое бўлур", деган эканлар.

Ёзувлар нафақат қоғозда, балки тош, ёғоч, қошин, мис идишлар, тери, сопол буюмлар ва матоларда ҳам учрайди. Териларга хат ёзиш жуда қадим замонларга бориб тақалади. "Авесто" китоби бундан 2700 йил олдин 12 000 қорамол маълумотлар сақланиб қолган. Музей экспозициясида намойишга қўйилган эски Хоразм ёзувидан намуна худди терига ёзилган "Авесто"дан бир парчадек.

Қадимда қуллолар оддий лойдан юксак санъат даражасидаги уй-рўзғор буюмларини ясашган. Улар яратган буюмлар уй-рўзғорда ишлатилиши билан бирга эсдалик совға вазифасини ҳам бажарган. Шунинг учун уларга

қуллолар томонидан ёзувлар ҳам қайд этилган. Жумладан, овқатланиш одоби ҳақида маълумотлар ёзилган.

"Хоразмнинг дурдона битиклари" экспозицияси бўйлаб айланар экансиз пиёлалар диққатингизни тортади. Уларнинг ҳаммасида араб ёзувида битиклар бор. Масалан, 6-залдаги витринада турган пиёлада: "Алхамдулиллаҳил лазий аъямана ва сақана ва жаъалана муслимийн", "Чанқоғимизни қондирган Аллоҳ таолога мақтовлар ва шуқурлар бўлсин ва бизларни мўмин мусулмонлардан қилсин" деган маъноларни билдирувчи сўзлар наस्ताълик услубида битилган.

Бу каби ёзуви мерослар икки қарра аҳамиятли экспонатлар сирасига қиради. Ота-боболаримизнинг хар бир панд-насихати ёшлар учун дастуриламалдир. Келаётган сайёҳлар музей шаҳардан ўз юртиларига оламан таассуротлар билан кетаётганларини яширмайдилар. Улар мозийда ота-боболаримиз қандай ҳаёт кечиришганини тасаввур қилганларини айтишади. Бунда биз – музей ходимлари янада кўпроқ ишлашимиз кераклигини ҳис қиламиз.

Садоқат АБДУЛЛАЕВА,
"Хоразмнинг дурдона битиклари" бўлими илмий ходими

Ўтмишдан садо

Тарихнинг тилсиз хабарчилари

Тарихни ўрганиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда тангалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. "Танга" туркча "тамга" сўзининг ўзбек тилидаги талаффузи бўлиб, турли металлдан тайёрланиши мумкин.


Тангалар қадимдан пул бирлиги ва тўлов воситаси сифатида зарб қилинган. Улар одатда думалоқ, эллипс шаклида ясалиб, фойдаланиш учун қулай бўлган. Баъзиларнинг, хусусан, 6-7 асрларда Турк ҳоқонлиги даврида Кувада зарб қилинган тангаларнинг ўртаси тешик бўлган.

Тангаларнинг юз томони "аверс", орқа томони "реверс", чети эса "гурт" деб аталиб, улар белгилар орқали бир-биридан фарқланади. Қадимги тангаларнинг деярли барчасида ўша давр ҳукмдорларининг тасвири, унвони, исми, герби, тай-

муомалада бўлган.

Ўрта Осиёда биринчи тангалар миллоддан аввалги III асрда чиқарилган. Жумладан, қадимги Бақтрия, Хоразм давлатлари тангалари бизгача етиб келган. Бундан ташқари, юртимиз худудидан бошқа қадимги давлатларнинг тангалари ҳам топилган бўлиб, бу ўша пайтларда савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланганлигидан далолат беради.

Кушон подшолиги даврида чиқарилган тангаларнинг юз томонида шох Қанишқанин, орқа томонида эса будданин тасвири туши-



ёрланган давлат ва шаҳарнинг номи, йили бўлган. Бу эса ҳозирги тарихчи олимларга ўша давлат ҳақида кўплаб маълумотлар олиш имконини беради.

Илк тангалар миллоддан аввалги VIII-VII асрларда Кичик Осиёдаги Лидия давлати ва қадимги Грециядаги Эгина оролида пайдо бўлган. Унча товар айирбошлашда бошқа товарлар, мисол учун чорва хайвонлари, дон, чиганок, найза учи, мато ва бошқалар эквивалент ролини ўйнаган. Тангалар чоп этила бошлангач, универсал тўлов вазифасини бажара бошлайди. Тангадаги тасвирлар (илгариги даврларда фақат юз томонида бўлган) давлат рамзи ҳисобланган. Тангалар икки усулда: метални эритиб, танганинг шакли ўйилган қолипга қуйиш ёки думалоқ металлни икки штемпель орасида сиқиб зарб қилиш орқали тайёрланган.

Ҳар бир мустақил давлатнинг танга чиқаришга доир махсус ҳуқуқи бўлган. Танга чиқариш қондасини бузиш хар доим энг оғир сиёсий жиноят ҳисобланган. Танга зарб қилинган давлат худудида асосий ва мажбурий тўлов воситаси бўлиб, баъзи тангалар зарб қилинган жойлардан узоқларда ҳам муомалада бўлган. Мисол учун, қадимги Рим кумуш тангалари империя ташқарисида, IX-XIII асрларда араб дирхамлари Шарқий Европада ҳам

рилан. Милодий йил бошларидаги Хоразм тангалари, VI-VII асрдаги Турк ҳоқонларининг тангаларида ҳам ўзига хос белгиларни кўриш мумкин.

Амир Темурут XIV асрнинг 80-йилларида ўтказган пул ислоҳоти даврида кумуш тангаларни зарб қилдирган. Кейинчалик, Ўрта Осиёда йирик кумуш пуллар "танга", мис тангалар эса "чақа" деб аталган. XIX асрда Бухоро, Қўқон, Хива хонликларида 1 танга Россия империясининг 20 тийинига тенг бўлган.

Қоғоз пуллар пайдо бўлиши билан танганинг роли чекланди. XX асрдан бошлаб тангалар қоғоз пулларни майдалаш ва майда тўлов воситаси сифатида ишлатила бошланди. Кейинги асрларда муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаганлиги туфайли олтин ва кумуш тангалар жуда кам чиқарилди.

Ҳозирги кунда бошқа музейлар каби Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида ҳам турли давр ва давлатларга оид кўплаб тангалар, сақланмоқда. Қорахонийлар (XI-XII асрлар), Россия империясининг XIX аср охири, XX аср бошларида оид, Қўқон хонлигининг турли даврларига оид тангалари шулар жумласидандир.

Жахонгир ТҒОЙБОЛАЕВ,
Равшан ҚУРБОНОВ,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари

Хотира кечаси

Атоқли
адибни ёд
олиб...

Хива тумани ва шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Шухрат" медалли, "Буюк хизматлари учун" ва "Дўстлик" орденлари соҳиби Саид Аҳмад таваллудининг 101 йиллигига бағишлаб, "Ёзувчи ижодига бир назар" мавзусида

давра суҳбати ўтказилди.

Унда сўз олган шаҳар кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси О.Рўзметова ёзувчининг хаёти ва ижод йўли ҳақида батафсил тўхтади. Шундан сўнг, туман кўзи ожизлар кутубхонаси мудираси Г.Эгамбердиева адиб меросининг жамияти, айниқса, ёш ав-

лод дунёқараши шаклланишидаги аҳамияти хусусида маъруза қилди.


Тадбир доирасида "Халқнинг ардоқли адиби" мавзусида китоб кўرғазмаси ҳам ташкил этилди.

Замира АЙТБОЕВА,
Кўзи ожизлар
кутубхонаси ходими

Мозийга назар

Сиркор идишлар тарихи: кеча ва бугун

Қадимдан кулолчилик соҳаси доимий ривожланиб, юксалиб борган. Шарқ билан Ғарбни боғлаган савдо йўлида ипак, шойи, кўлаб қимматбаҳо тошлар ва бошқа хунармандчилик буюмлари сингари нафис қилиб ишланган сиркор идишларнинг аҳамияти ҳам ниҳоятда катта бўлган. Манбаларга кўра, Ўрта Осиё худудига VIII асрнинг иккинчи ярми IX аср бошларида Эрон орқали идишларга сир бериш технологияси кириб келган. Буни Эски Термиз ва Чағонийдан топишган сиркор идишлар мисолида кўришимиз мумкин. Кулолчилик соҳасида даставвал сир бериш усули қадимги Мисрда мил.ав. IV минг йилликда, Месопотамияда мил.ав. IX асрдан маълум, Яқин Шарқда сиркор буюмлар ишлаб чиқариш антик даврларда ҳам давом этган.



Сиркор буюмлар ишлаб чиқарадиган яна бир марказ Узоқ Шарқда жойлашган бўлиб, Хитойнинг Хан даврига оидлари Буюк Ипак йўли орқали Ғарб давлатларигача етиб борган. Ўрта Осиёда бундай буюмлар ишлаб чиқариш нисбатан кеч йўлга қўйилган. Шимолий Бактриянинг Айритом, Парфиянинг Нисо каби антик давр ёдгорликларида сиркор идиш намуналари топишган бўлса-да, уларнинг маҳаллий кулоллар маҳсулоти эканиги исботланмаган.

Тадқиқотчилар фикрича, Ўрта Осиё сиркор идишларини кўп миқдорда ишлаб чиқариш VIII асрнинг иккинчи ярми ва IX аср бошларида йўлга қўйилган. Бу борадаги илк қўлланма дастлаб XIII аср бошларида О.Болшаков томонидан яратилган. Мовароуннахрнинг сиркор кулолчилиги, Ўрта Осиёда керамика ишлаб чиқаришнинг қачон пайдо бўлгани ҳақидаги саволга жавобда тадқиқотчилар бир тўхтамга келмаган.


Шубҳасиз, сиркор керамикаларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши VIII асрдан бошланганини инкор этиб бўлмайди. Сўнгги йиллардаги қазималар кўрсатганидек, унинг оммавий ишлаб чиқарилиши VIII аср бошлари ва IX асрдан кенг йўлга қўйилган. Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг моддий маданиятида муҳим ўрин тутган сиркор идишлар аксар тадқиқотчилар эътиборини тортди. Археологлар кўпинча нумизматик ва бошқа таниш материаллар етишмаслиги ёки йўқлиги сабабли хронологик даврийлаштиришда қийналишган.

Бу борада жуда кўп изланишлар олиб борилган. Сиркор сополларнинг ишлаб чиқарилиш жараёнларини ўрганган олимлардан бири Э.В.Сайко асарларида келтирилган маълумотлар уларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, Ғарб олимларининг Эрон сопол буюмларига бағишланган тадқиқотлари ўрта осийлик тадқиқотчиларнинг маҳаллий сопол идишлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бўйича қарашларини шакллантиришда ҳам муҳим рол ўйнаган. Бундан ташқари, Марказий Осиё кулолчилигининг хронологик-услубий таснифи М.Песар, эпиграфик нақшларни ўрганиш ишлари С.Флори томонидан олиб борилган.

Шарқшунос олим Ф.Зарренин сиркор сополлар бўйича монографияси дастлаб Марказий Осиё сополлари тадқиқотчилари эътиборини жалб қилмади, лекин улар ушбу асосий китобдан импорт қилинадиган қадимги турларнинг манбалари тўғрисида маълумот олишлари мумкин эди. Маҳаллий сиркор маҳсулотлар борасида ўша пайтда А.Лейн ва М.Димандлар томонидан нашр этилган "Форс санъати тадқиқотлари"га оид китобларида сопол буюмларни даврийлаштириш ва умумлаштирилган таснифи тақриф этилган. Бу Ўрта Осиё кулочилиги саноатига ҳам таъсир қилади. Ушбу асарларда нарсаларнинг келиб чиқиш жойига кўра Самарқанд мактаби тури ҳам доим ажралиб тургани ва унинг баъзи ўзига хос хусусиятлари таскилланган. Лекин биринчи марта Эрон (Нишопур) ва Сўғд (Афросиёб) сиркор кулочилиги Ч.Вилкинсон томонидан солиштирилган бўлиб, у Нишопурга бегона, аммо Мароқандаги вариантларни муваффақиятли ажратиб кўрсатган.

Шу тариқа IX асрда термизлик кулол усталар томонидан сиркор идишлар ясашнинг технологияси ўзлаштирилиб, такомиллашиб, тараққий этиб борди.

Бугунги кунда Термиз археология музейидан ўрин олган кўлаб нодир топишмалар орасида араб ёзуви сиркор лаган бўлагининг аҳамияти катта. Музейнинг крим кито-



бида, аф-
суски, аш-
нинг бир қисми
ҳақидагина маълумот

берилган. Шеробод тумани Дабилқўрғондан топишган мазкур топилма X-XI асрларга оид. Ушбу лаганининг бир қисми сақланган бўлиб, унда қуйидаги белгилар мавжуд: "ал", "лом", "ба", "вов", "лом", "хе", "мим", "ба", "қоф" ҳарфлари.

Шунингдек, музейда нафақат сиркор идишлар, балки араб ёзувлари битилган бир қанча идишлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири Эски Термиздан топишган X-XI асрларга оид топишмадир. Мазкур араб ёзуви битилган лаган бўлаги ниҳоятда нафис қилиб ишланган. Идишнинг гардиш қисми тилла рангли бўлиб, "Мен учун уларнинг сўзларини чиройли қилишдан бу яхшидир" сўзлари битилган. Лаган марказида эса оқ ва тўқ малла рангда турли гулли ўсимликлар тасвири туширилган. Лаган бўлагининг ўлчами: 14x8 см бўлиб, идишнинг бир қисми сақланган.

Турли кулолчилик ашёларида кўпинча ўсимликлар тасвири ишланган бўлиб, ушбу орнаментлар ислом дини орқали бизларга араблардан кириб келган деган асосли хулосага келишимиз мумкин.

Дастлабки кулолчилик ашёлари оч яшил рангда ишлаб чиқарилган. Темурийлар даврига келиб, мовий ранг кенг қўлланила бошланган. Бугунги кунда Термиз археология музейи фондида 1868 донна сиркор кўза, қоса ва хўжаликда қўлланилган ашёлар мавжуд. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ишлаб чиқарилган ўрта асрлар сиркор – керамикаси муттасил равишда мутахассислар қизиқишини ва кенг жамоатчилик ҳайратини уйғотади, бутун дунёда қизиқарли коллекциялар мавзусига айланади. Бир неча авлод олимлари саъй-ҳаракатлари билан "Исломиий керамика" деб номланган нарсаяхши ўрганилган ва таснифланган.

Хозирда Термиз давлат археология музейида юқорида келтирилган маълумотларда кўрсатилган каби бир қанча сиркор идишлар сақланмоқда. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда идишларни сирлаш, турли шакл ва кўринишдагиларини ясаш кулолчиликда кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик уста кулоллар қўлида яратилаётган бетақдор нақшинкор сопол, сиркор идишларнинг замонавий кўринишларини дунёдаги кўлаб мамлакатлар кўрғазма ярмаркалари, арт дўконлар, шунингдек, шахсий хонадонларда ҳам учратиш мумкин. Бу ҳар қандай кишига фахр ва ифтихор туйғуларини бағишлайди.

Раҳим ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Термиз археология музейи
бош муҳофиз

Семинар



"Бир маҳаллага – бир зиёли..."

Китоб тумани ҳокимлигининг катта мажлислар залида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари ҳамда тумандаги мавжуд маҳаллалар ҳамкорлигида "Бир маҳаллага – бир зиёли маънавий хомий" тамойили асосида назарий-амалий семинар ташкил қилинди.



Унда маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими бошлиғи Лола Саодатова, ҚарМИИ мураббийлар Кенгаши раиси Солижон Ибрагимов, туман ҳокими ўринбосари Абдушукур Омонов ҳамда маҳалла раислари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ўзги таътилда



Болажонлар учун

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришига қўмақлашиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида бутун республикаимиз бўйлаб турли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 12 июнь куни Хоразм вилояти кўғирчоқ театри ижодий жамоаси Хива тумани ва шаҳридаги "Гулшан" ҳамда "Ғунча" болалар оромгоҳларига ташриф буюришиб, театр репертуридаги "Дўстлик боғи" ва "Афанди хангомалари" спектаклларини намойиш этишди.

Спектакль ёғи таътилни мароқли ўтказаятган болаларга кўтаринки кайфият улашди.

» Маданий учрашув

Санъат – миллат қалби



Фаргона ихтисослаштирилган санъат мактабида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг “Оҳангларда ватан мадҳи” номли ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда вилояти ҳокими ўринбосари Х.Аҳмедов, вилоят маданият бошқармаси бошлиғи И.Жалилов ва турли муассаса вакиллари иштирок этишди.

Уюшма раиси Р.Абдуллаев бошчили-

гидаги ижодий жамоа ҳамда муассасанинг Фаргона, Андижон, Наманган вилояти бўлимларидан бастакорлар ва таниқли санъаткорлар ўз ижод намуналари билан қатнашдилар. Ижро этилган бетакрор ва дурдона асарлар йиғилганларда катта тасурот қолдирди.

Кеча сўнггида Р.Абдуллаев иштирокчиларга уюшма сертификатини топширди.

» Танлов

Ғолиблар тақдирланди



2021 йил 12 май куни Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидаги Эргаш Жуманбулбул уй-музейида Бахшичилик кўриқ-танлови бўлиб ўтди.

Унда Қўшработ туман 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик йўналиши 3-синф ўқувчиси Бобобек Раҳматуллаев фахрли 1-ўрин соҳиби бўлиб, 1-дарражали диплом ва компьютер билан тақдирланди.

Суннатилла Тоғаймуродов ва Азизбек Абдуқошимовларга фаол иштироки учун фахрий ёрлик топширилди.

» Истеъдод

Жонли ижро



Ёшларнинг маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг истеъдодларини юзага чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, санъат соҳасида ёшлар учун ижодий майдон яратиш бугуннинг устувор вазифаларидан биридир.

11 июнь куни “Маданият ва Маърифат” телеканалининг “Тонг нафаси” дастурида ана шундай иқтидорлардан бири кашф этилди. Фаргона вилояти, Қувасой шаҳри маданият маркази қошида ташкил этилган “Қувасой” ашула ва ракс ансамбли хонандаси Лайлохон жонли ижроси билан томошабинлар қалбини забт этди.

» Маънавий мерос



Экологик маданият

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш каби бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш, Ёшлар иттифоқининг Ўзбекистон экологик партияси билан биргаликда келажак авлодни табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатиш, ҳаво, сув ва tupроқнинг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зиён етказилишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирларни янада жаддалаштириш вазифалари ўртага ташланди.

Ерда ҳаёт пайдо бўлибдики, инсон табиатни англашга, у билан ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш, мувофиқлаштиришга интилади. Бинобарин жамиятнинг экологик маданият тушунчаси инсоният тарихи билан ўлчанадиган кенг қамровли ва қадимий бўлиб, унинг ижтимоий онг тизимига тўғридан-тўғри ёки акс таъсири ҳақида фикр юритиш ҳозирги долзарб масалаларидан биридир. Экологик маданият моҳиятан бир цивилизациядан бошқасига, жумладан, табиатни вайрон қилувчи тараққиётдан бунёдкорлик, фаровонликка қараб кетиш хусусиятига эга бўлиши даркор. Экологик маданият айнан шу ўтиш чегарасида инсониятнинг ҳозирги ва келажак маданиятини белгилувчи омилга айланиб боради.

Ҳозирда мафқуравий таъсир ўтказиш ғоят хавфли курулға айланиб бораётган мурак-

» Болажонлар учун

“Ур тўқмоқ” спектакли

Жажжи болажонлар қалбида юксак маънавий, ахлоқий, маданий тушунчаларни шакллантириш бугуннинг асосий масалаларидан биридир.

Шу маънода жорий йилнинг 12 июнь куни Сурхондарё вилоят ногиронлар жамғармаси аъзолари учун вилоят кўғирчоқ театрида И.Жуманов асари асосида сахналаштирилган “Ур тўқмоқ!” спектакли намойиш этилди.

Театрга ташриф буюрган меҳмонлар учун ижодий жамоа томонидан мусиқий оҳанглар ҳамда сурхонча рақслар ижро этилиб, томошабинларга қувонч бағишлади.

каб бир шароитда баркамол авлод тарбиясида экологик маданият, тафаккурни ривожлантириш, инсон ва унинг маънавий-руҳий оламига, миллий ва умуминсоний қадриятларига онгли, меҳр-муҳаббатли, изчил муносабатларни шакллантириш, қонуниятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ўта долзарб масаладир.

Одамзоднинг маънавий-ахлоқий идеалларини ўрганишда экологик онг ва унинг ахлоқ, дин, илм-фан, санъат каби турлари билан муносабатларини тадқиқ этиш муҳимдир. Ташқи муҳитни кузатиш, унга мослашиш жараёнида инсон ер, сув, дарахт нималигини кашф этади, уларнинг ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганади. Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатлар илм аҳлини асрлар давомида ўйлантириб келган. Инсон табиат олдида қай даражада қарздор, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда қандай меъёр бўлмоғи зарур, ақли мавжудот саналган одамзод табиатни енгиб, унинг устидан ҳукмронлик қила оладими, умуман, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги қанчалар адолатли каби бир қатор саволлар нафақат табиатшунос ва файласуфлар, балки барча фан соҳалари вакиллари ҳам тадқиқотлар олиб боришга ундаган.

Ҳар қандай инсон, миллат, жамият ва давлатнинг маънавий ҳаётидаги ўзгаришларга турли моддий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафқуравий омиллар катта таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, шахсда экологик маданиятни шакл-

лантириш жараёнида бой меросимиз, моддий ва маънавий қадриятларимизни келажак авлодга етказиб беришда бадиий адабиёт муҳим ўрин тутмоқда. Шунинг учун бу борадаги назарий ва амалий масалаларни янгича фалсафий тамойиллар асосида тадқиқ этиш фан учун ғоят долзарбдир.

Тарихий меросни ижодий ривожлантириш, уларни замонавийлаштириш фаолият самардорлиги ва истиқбол мўлжалларини белгилашда муҳим ўрин тутади. Инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида экологик онг ва маданиятни шакллантиришга жамият мавжудлигининг шартли сифатида қаралган. Аynиқса, экологик муаммолар глобаллашиб, кескинлашиб кетаётган шароитда шахснинг экологик онги ва дунёқарашини замон талаблари даражасида ривожлантириш, инсоният цивилизациясини таъминлаш асоси экани англаб борилмоқда.

Шунга кўра, бу соҳада оммавий маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш расмий идоралар олиб бораётган экологик фаолиятга қўшимча импульс беради. Хусусан, миллий экологик меросни ривожлантиришнинг шарт-шароитларини, имкониятларини, усул ва воситаларини яратиш замонавий экологик маданият асосини ташкил этади.

А.ҒАНИЕВ,

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудир



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС:
“Dildosh media” МЧЖ,
ҳамкор:
Ўзбекистон
Республикаси
Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир
Дилбаҳор Худойбердиева
Таҳририят манзили:
100029, Тошкент шаҳри, Тарас
Шевченко кўчаси, 1.
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
10.04.2018 й. 0803 рақами
билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди.
Мақолада келтирилган факт ва асослар муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
“Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 8005 Буюртма - Г - 617
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.
Босмаҳонага топшириш
вакти - 23.30
Топширилди - 23.00
1 2 3 4 5 6